

ISSN 2181-7324

ЎЗМУ

ХАБАРЛАРИ

№ 1/5 ❖ 2016



*Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
йўналиши*

*Направление
социально-
гуманитарных
наук*

*Social-
humanitarian
sciences*



ВЕСТНИК НУУЗ ❖ АСТА NUUZ

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

ВЕСТНИК НУУЗ

АСТА NUUZ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

**ЖУРНАЛ
1997
ЙИЛДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН**

**2016
1/5**

**Ижтимоий-
гуманитар
фанлар
туркуми**

Бош муҳаррир:

А.Р.МАРАХИМОВ – техника фанлари док, проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

А.Р.ХАЛМУХАМЕДОВ – ф-м.ф.д.

Тахрир хайъати:

Муртазаева Р.Х. – т.ф.д., проф.

Юнусова Х.Э. – т.ф.д.

Кобзева О.П. – т.ф.д.

Одилов А.А. – т.ф.д., доц.

Тўйчиев Б.Т. – ф.ф.д., проф.

Нурматова М.А. – ф.ф.д.

Абдусамедов А.Э. – ф.ф.д., проф.

Қурбонов М. – п.ф.д., проф.

Мардонов Ш.Қ. – п.ф.д., проф.

Ғозиев Э.Ғ. – псих.ф.д.

Мўминов А.Ғ. – с.ф.д.

Ганиева М.Х. – соц.ф.д., проф.

Холманова З.Т. – фил.ф.д., проф.

Каримов Б.Н. – фил.ф.д., проф.

Менглиев Б.Р. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Халикова М.И. – фил.ф.и.

Маматова Ё.М. – фил.ф.д., проф.

Сиддикова И.А. – фил.ф.д., проф.

Маъсул котиб: **К. РИХСИЕВ**

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

Тарих

Алимова Н.О. Мустиқиллик йилларида Ўзбекистонда ипакчиликнинг ривожланиши	4
Джуманов С.А. Мустиқиллик ва аҳоли саломатлиги (1991-2001 йиллар Ўзбекистонда аҳолини дори воситалари билан таъминлаш таъбирлари мисолида)	8
Жуманиязов Д.К. Полевые записи о судьбе Хан-Махсуме (Убайдуллы Бахауддинова)	13
Замонов З. Роль институтов семьи и махаллы в трансформации духовно-нравственных ценностей в обществе	15
Машиарипова Г.К. Хоразм Маъмур академияси мударрисси Абу Райхон Беруний илмий меросининг Шарқ ва Ғарбда ўрганилиши (манбалар таҳлили)	19
Нормуродова Г.Б. Бухоро Амирлиги юлтимоний-сийсий ҳаётида олий табаканинг тутган роли	24
Носиров Б.А. Мустабид совет тузуми даврида Ўзбекистонда маиший хизмат кўрсатиш тизимидаги зиддиятчи ҳолатлар	27
Парманов Ш.Э. Ўзму Археология кафедрасининг Кеш воҳасидаги тадқиқотлари тарихидан	31
Раҳмонов Х. Зарафшон воҳасида урбанизация жараёналари эволюцияси (Навоний видоёти мисолида)	35
Шадманов Т. Различные аспекты жилищного строительства в городах Узбекистана в 1917-1941 гг.	38

Фалсафа

Абдуллаева Ш.Х. Изучение проблем педагогической деятельности в отечественной психологии	42
Абидова З.А. Процессуальные аспекты толерантности	47
Аминова Н. Имонлилик – баркамоллиكنинг асосий шарт	51
Аминова Ф.Х. Профессионал омичкорлик ва педагогнинг маҳорати: психологик ёндашув	54
Атамуратова Ф.С. "Этномаданият" тушунчасининг фалсафий таҳлили	57
Ахитова Д.А., Ахитова Х.А. Профессионал фаоллигининг концептуал модели	60
Ахмедов Б.А. Ўзбекистон Республикаси ахборот халқсизлиги тизимининг шаклланиш босқичлари	63
Ахмедова Г. Таълим муассасаларида нуткий мулоқот одобида доир билимларни ўргатиш	67
Бакиров О. Билиш жараёнида "тушуниш" ва унинг талқини	70
Бекиўлатов У.Р. Табиат ҳодисаларининг билишда симметрия принципларининг ўрни	73
Болтаева Ш.Т., Ибрагимова Д.Х. Ўқитувчи ва дарс: бошланғич синф ўқувчилари билан ишлашнинг самарали усуллари	75
Дўстов У. Хитой-Америка муносабатларида минтақавий рақобат (Шаркий Осиё мисолида)	78
Джолымбетова М.М. Кичик мактаб ёш давридаги болалар тафаккурининг хусусиятлари	83
Жабборов С.Р. Глобаллашувнинг маънавиятга салбий таъсири	86
Жониев Ф.Қ. Қадриятлар таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси	89
Жўраев Х.О. Интеграциялашган медиа-таълимдан фойдаланиб муқобил энергия манбаларига оид маълумотлар бериш	92
Зайнобидинова Н.И. Миллий маънавий меросимизда итм олиш таъсифи	96
Замонов З. Баркамол авлоди вояга еتكанида ҳушёрлик ва огоҳликни ошириш – жамиятимиз демократик тараққиётининг асоси	99
Ибайдуллаев Т.Г. Миллий маънавий мерос ва ёшлар камолоти	103
Ибрагимов А.А. Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш тизимини модернизациялашнинг инновацион технологиялари	106
Ибрайимов А.Е. Масофавий ўқитиш тизимини ташкил этиш ва ўқув курслари мазмунини ишлаб чиқишнинг ўзига хос хусусиятлари	110
Илхамова Д.И. Формирование психосоматического феномена у детей	114
Инамов Д.Д. Олий таълим муассасаларида бўлажак касб таълими битирувчиларини малакавий тайёрларлик даражасини квазиметрик баҳолашнинг илмий асослари	118
Иргашова М. Замонавий олий таълим тизимида янги педагогик ва инновацион технологиялар	122
Исанова Г.Т. Ижтимоий рекламанинг ёшлар фикрини шакллантиришдаги ўрни	124
Исмоилов Т., Фарходжоннова Н. Шахс маънавиятидаги ўзгарувчанлик ва мослашувчанлик	127
Кадыров К.Б. Индивидуальный профиль асимметрии как фактор, определяющий особенности личности	131
Каланова С.М. Социал макон структураларида авлодий қадриятлар	136
Karamyan Marietta. Psychosocial factors in gastrointestinal disorders	140
Кодиров Н.Н. Ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишнинг демократик ислохотлар билан уйғуниши	146
Komilov R.R. O'zbek nikoh mafosimlari – ma'naviy kamolot omili sifatida	150
Қурбонов Ж. Янги ахборот технологиялари ва уларнинг таълим тизимига жорий этилиши	153
Қурбонова Л. Элитар назарияларнинг ўзига хос турлари ва маҳони	157
Mamatkulova N.F. The significance of independent study skills in higher education system	160
Марасулов А. Аппарат проектирования интегрированной модели подготовки специалиста и познайтно-теоретической деятельности преподавателя	163
Мардонов Ш.К., Раббимова Ф.Т. Подготовка будущих учителей биологии к познанию учащимися эстетики родной природы	168
Мирзаев А.Ш. Миллий тотувлик – инсонлараро олий қадрият	172

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА НУТҚИЙ МУЛОҚОТ ОДОБИГА ДОИР
БИЛИМЛАРНИ ЎРГАТИШ

Ахмедова Г. *

РЕЗЮМЕ

Бу мақолада янги авлод ўзбек тили дарсликлари асосида ўзбекча мулоқот одобини ўргатишда қилин-
ганларни ўзбек тилидан рус тилига тартибиди қиёсий таҳлили амалга оширилди ва бу ўзига хосликларга
таъкиб, уларни ўргатишнинг самараси методлари тавсия этилди.

Калим сўзлар: жонланштириш – фаоллаштириш, мулоқот одоби – нутқдаги манералар, шарқона
нутқий мулоқот – ментал нутқий мулоқот.

Таълим олувчиларнинг нутқий мулоқот маданиятини ривожлантиришга доир жами маълумотлар сирасида нутқий мулоқот одобига оид билимлар алоҳида ўрин тутди. Билимларнинг мазкур тури мулоқотни жонланштирибгина қолмай, ушбу жараёнда суҳбатдошларнинг диалог шаклида сўзлашув чоғида ўзини тутиши, бир-бирига тавозе кўрсатиши, одоб-ахлоқ доирасида бир-бирига қиладиган муурожаат шакллари ўз ичига қамраб олиб, реал ҳаётдаги мулоқотда қўйлашади. Уни эгаллаган таълим олувчиларнинг шарқона нутқий мулоқот маданияти ривож топади, ёшлар турмушда ўзбек тилидаги диалогик шаклдаги сўзлашувда юзага келадиган нутқий вазиятларга етарли тафсилотлар кўрган бўладилар. Зеро, жамиятда суҳбатдошлар бир-бирларининг ижтимоий мавқеаларини, бир-бирларига бўлган муносабатларини намойиш қилиб муурожаат этишлари, буларни нутқий ва нутқий бўлмаган мулоқот унсурлари орқали ифода қилишлари даркор. Шахснинг жамиятда тутган ўрни, мавқеанинг сўзлашувга таъсирини устоз адиб А.Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясидан яққол кўриш мумкин.

Барно Раҳматиллаева «Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке» номли диссертациясида [1] қолли-
гаплардаги муурожаат шакллари рус тилидан ўзбек тилида тартибиди қиёсий таҳлил, лекин узлуксиз таълим тизимида ўтказиладиган дарслар ўзига хос мақсадларни қўлагани учун уларнинг мундарижасида ўзбек тилидан рус тилига тартибиди қилинган маълумотлар кўпроқ самара беради. Шу боис, мазкур мақолада ўзбек тилидаги қолли-
гапларни рус тилига тартибиди қиёсий таҳлил, бу материаллар натижаларини таҳлил қилдик.

«Ўзбек тили» дарсликлари таҳлиладан маълумки, нутқий мулоқот одобига оид билимлар 7-
синфда учта ўқув матнида ўз аксини топган. [3] Ушбу матнларнинг бири *сен* ва *сиз* сўзларининг ишлатилиши ҳақида. Бизнингча, нутқий мулоқот билимларидан бўлмиш *сен* ва *сиз* сўзларининг ишлатилиши ўқувчиларнинг ёши ва турмуш таърибига кўра жуда кеч ўргатилади. Тасаввур қилинган, қўли синф ўқувчиси ўзбек болаларининг ўзидан катталарга (акалари, оналари, ота-онасига) «сизлаб» муурожаат қилишларини ҳар кун кўради ва эшитади ва бу ҳолдан ажабланади. Унинг қўлида туғиладиган саволларга ўзбек тили ўқитувчиси 1-3 синфлардан жавоб бериши керак. Бошқача айтганда, таълимий режаларда бунинг ҳам

назарда тутиш лозим. Шунга кўра ҳам ўқитувчи ўзбек тили таълими мазмунига айрим ислохотлар киритган ҳолда ўқитиш метод ва усулларини прагматика сари йўналтирмоғи даркор. Бунда ималиётда таълим олувчиларга нутқий мулоқот одобини ўргатиш, уларнинг диалогик шаклдаги нутқини ўстириш соҳасида йўл қўйлаётган айрим камчиликларни бартараф этиш чоралари ҳам белгиланмоғи зарур. Булар режалаштиришда ҳам ўз аксини топмоғи лозим.

Таърибалар шунинг кўрсатадики, нутқий ва нутқий бўлмаган мулоқот одобини русийзабон болаларга тушунириб, уларнинг қўл-атворида сингдириш юзасидан олиб бориладиган ишлар баъзан осон кечади, баъзан эса бирмунча мураккаб жараёнларни ифода этади. Масалан, 2 синф ўқувчилари *сен* ва *сиз* ҳақидаги тушуниришларни осон қабул қиладилар.

Ўқитувчи ҳар сафар нутқий мулоқот одобига доир бирор янги билим беришга киришар экан, ишни пухта лойиҳалаштириб олишдан бошлаши керак.

Дастлабки дарсда таништириш-кўрсатиш методидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу методни ёлғиз эмас, қиёсий усули билан баҳамти қўллаш керак. Шу мақсадда ўқитувчи «Ўзбек тили» дарсликларида келтирилган намуна вариантга муурожаат этади [4]. Чунончун:

- *Ада, сиз бугун ишга борасизми?*
- *Азбатта, бораман.*
- *Вали, сен қолтоқни топдингми?*
- *Ҳа, топдим.*

Намуна ўқувчиларга даблурустдан ўқитилмайди. (Биз шу ўринда дарсликлардаги бу каби машқларни бажариш ишларини таъкид этишни фарқлаштирдик.) Ўқитувчи ўқувчиларга: «Уйдагилар билан қандай сўзлашган бўлардингиз? Масалан, адангиз ишга бориш-бормаслиги, уқангиз ёки синглингиз қолтоқни топган – топмагандигини нима деб сўрайсиз?» – деб рус тилида нутқий вазиятни маълум қилиб, шу суҳбатни юзага келтиришни топширади. Болалар:

- *Папа, ты пойдешь сегодня на работу?*
- *Да, пойдю.*
- *Валя, ты нашел мяч?*
- *Да, нашел.*

Ана шундан кейин ўзбек тилидаги намуна ўқитилади ва улардан рус тилидагидан *сен* ва *сиз* сўзларининг ишлатилиши нимаси билан фарқ қилаётгани сўралади. Бундай саволлар ўқувчиларни фикрлашга, икки тил ҳодисасини таққослаш ва

* Ахмедова Г. – Тошкент Педиатрия тиббиёт институти катта ўқитувчиси.

тадқиқ этишга ундайди.

Шундай билимлар борки, улар тезда укиб олинади. *Сен* ва *сиз* ҳақидаги билим шулар жумласидандир. Лекин нуткий мулоқот одобида доир айрим билимларни бу тарзда ўргатиш етарли эмас: уларни вақти-вақти билан мустаҳкамлаш ва такрорлаб бориш зарур бўлади.

Қийинроқ ўзлашадиган билимларни мустаҳкамлашда лексик ва грамматик машқлар, масалан, нукталар ўрнига керакли сўз ёки иборани қўйиб ўқиш ҳамда қўчириш, намуна асосида диалогик матн тузиш каби машқ турлари ўқувчиларни реал ҳаётда мулоқотга етарлича тайёрлай олмайдди. Чунки турмушда луқмалар шунчаки буйрук-истак, сўроқ ва дарақ гаплар оҳингида эмас, балки алоҳида оҳанг жиловлари билан айтилади, тавозе харажатлари билан қўшиб адо этилади. Юқоридаги машқ турларида ана шу жиҳатлар эътибордан четда қолади. Бу ўринда ролларни ижро этиш билан боғлиқ машқларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаган бўлардик.

«Ўзбек тили» дарсликларида ролларга бўлиб ўтиш учун тавсия этилган диалог намуналари ҳар бир ижрочидан икки, нери борса уч луқма айтиш учунгина имкон беради. Бундай кичик ҳажмли матнлар билан дастлабки нуткий мулоқот қўникмаларини ҳосил қилиш қийин. Бизнингча, намуналарни, луқмалар миқдорини қўпайтириш орқали тўйинтириш мақсадга мувофиқдир.

Бу соҳада айрим методист олимлар (Р.Иўлодоев) [2] олиб борган кузатишлар шуни кўрсатганки, ўқувчилар кўпинча суҳбатдошини унутиб, унга қарамасдан муаллақ тарзда диалог луқмаларини шунчаки айтадилар. Лекин сўзлашатириш асосидаги ижролар пайтида бундай ҳолатлар камдан-кам рўй беради. Бунга дарсга олиб кириладиган дидактик ашёлар (масалан, тарози, муляжлар ва х.к.) омиллик кўрсатади.

Нуткий мулоқот маданияти икки ёки бир неча киши сўзлашаётган пайтда бошқа бир кишининг келиб-гапга қўшилишида кучли даражада намоён бўлади. Одатда, икки киши гаплашиб турганда учинчи киши сўзлаётган кишининг гапини бўлиб суҳбатга аралашини маданиятсизлик (одобсизлик) белгиси саналади. Афсуски, бундай ҳолатлар нуфузли йиғилишларда ҳам кузатилиши мумкин.

Суҳбатга қўшилиш (гапирини)га руҳсат (ижозат) сўраш мурожаат луқмаларидан фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилади. Икки киши орасида бўлиб ўтаётган суҳбатга учинчи кишининг одоб билан аралашини учун унга тегишли луқмалардан фойдаланиш кераклигини, бунда қуйидагиларга риоя этиш лозимлигини маълум қилиш зарур:

1) суҳбатдошлардан бирининг гапдан тўхташини кутини;

2) қуйидаги луқмалар билан суҳбатлашаётганларга мурожаат қилиш:

– *Кечирасизлар, бир нарса сўрасам бўладими?*

– *Мен ҳам гапирсам бўладими?*

– *Мен ҳам ўз фикрларимни билдирсам бўладими?*

Суҳбатга қўшилгандан кейин уч киши навбат билан гапирини ўрганиши керак.

Нуткий мулоқот маданияти исмларни тўғри аташ билан ҳам боғланади. Ўқувчилар реал ҳаётдаги мулоқотга тайёрланиш эканлар, Ўзбек халқига хос исмларни тўлиқ, баъзан қисқартириб, баъзида эса қисқа шаклда аташни ҳам фарқлай билишлари керак. Бунинг учун эса исмини қисқартириш ёки қисқа шаклини қўллашга доир қоидалардан ҳам бохабар бўлишлари лозим.

Исмини қисқартириш бошқа, исмининг қисқа варианты мавжуд бўлиши бошқа ҳодиса. Масалан, рус тилида аксарият исмларнинг қисқа варианты бўлади: Галя – Галина, Боря – Борис. Лекин Ўзбек тилида исмларнинг қисқа вариантлари кўп эмас. Ўзбек тилида озгачи нутқда исмларни қисқартириш ҳодисаси бор. Масалан: Дилором – Диля, Нигора – Нигор. Демак, рус тилидаги қисқа исм билан Ўзбек тилидаги исмларни қисқартириш бошқа – бошқа ҳодисалардир.

Исmlарнинг қисқа шакли Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам эркалаш, кичрайтириш, самимийлик ва итиқлиқ муносабатини аниқлатади.

Ҳар бир халқнинг ўзига хос мулоқот одоби, кишиларнинг ижтимоий шартланган ҳулқ-атвор қоидалари мавжуд бўлиб, бу қоидалар шу кишиларнинг эгаллаб турган мазоҳизми, меҳнат фаолияти билан шартланган нуткий мулоқот маданиятида ўз ифодасини топади. Ушбу мулоқот маданияти муайян коммуникатив нуткий вазиятларда намунавий, бошқача айтганда, бир типдаги стандарт сўзлашув одатларини ҳам ўз ичига олади.

Рус тилида исмларни тўлиқ ва қисқа айтиш кенг тарқалган. Ўзбек тилида исмларни қисқартириб айтиш кўпроқ ёшлар орасида озгачи нутқда учрайди. Масалан: Гули, Бахти, Дилти. Лекин аксарият исмлар бундай қисқартирилмайди. Масалан: *Туреин, Ботир, Назира*. Баъзи ҳолларда ёшлар катталарга амаки, хола, тоға сўзларини қўшиб айтганда озгачи нутқдаги қисқартиришлар бу ҳолатда ҳам қўлланилади: Диля хола, Митя амаки ва бошқалар.

Исм қўшма от шаклида бўлса, баъзан биринчи компонент айтилади: *Али, Султон, Боба, Тухта*.

Рус тилида тўлиқ исмларга қараганда қисқа шакли кўпроқ қўлланади. Масалан: *Иван, Ваня, Жора, Георгий – Гриша, Валя – Валентина, Катя – Екатерина*.

Рус тилида рафикаси эрига қисқа исм билан мурожаат қилиш ҳолатлари мавжуд. Масалан: *Вася – Василий*. Рус тилидан фарқан ўлароқ Ўзбек тилида хотин киши эрини бошқа исмлар билан, масалан, вафот этган тўнғич фарзандининг исми билан чакориш ҳолатлари йўқ эмас.

Рус тилида исмларнинг хилма-хил суффикслар олиб келиш ҳолатлари ҳам кенг ёйилган. Масалан: *Машенька, Наташа, Васенька*. Ўзбек тилида аксарият ҳолатларда тўлиқ исмларга -хон, -жон, -бек, -бой, -бегим, -бону суффикс ва суффиксизлар қўшилиш расм бўлган. Лекин рус тилидаги суффиксал шакллар асосан эркалаш маъносиди ишлатилса, Ўзбек тилида субъектив баҳо

ифодаловчи қўшимчаларнинг ижтимоий вазифаси жуда кенг.

Ўзбек тилида Ўзидан катталарга, айниқса, бирор лавозимни эгаллаб турган шахсларга нисбатан исмига «ака» ёки «она» сўзини қўшиб айтиш олатий ҳол ҳисобланади. Масалан, *Карим ака*, *Раҳима она*. Лекин бундай одамларга нисбатан *амаки*, *хала*, *тоға*, *амма* сўзларини ишлатиш ноқоиш. Аксарият идораларда ходимнинг, айниқса, раҳбарнинг исми – шарифини айтиб мурожаат қилиш ҳам расм бўлмоқда.

Таълим рус тилида олиб бориладиган муассасаларида исм – шарифини айтиб мурожаат этиш йўлидан расм бўлган. Кейинги пайтларда ўзбек тилида олиб бориладиган таълим муассасаларида ўқитувчиларга нисбатан «устоз», «*одомла*» сўзлари билан мурожаат этиш расм бўлди. Рус тилидаги мактабларда эса ўқитувчи ва тарбиячиларга асосан исми ва отасининг исминини айтиб мурожаат этилади.

Таъкилот ва таълим муассасаларида Ўзидан кичикларга ўзбек тилида фамилиясини айтиб чақириш ҳолатлари кўп учрайди. Рус тилида ҳам шундай. Лекин ўзбек тилида фамилиясини айтиб чақириш салбий маъно бўёғига эга. Рус тилида эса у ижобий муомала бўёғини беради. Ўзбек тилида оила аъзоларининг бир-бирига фамилиясини айтиб чақириш кўпроқ камдан-кам ҳолат бўлиб, кўпроқ киноя маъносиде ишлатилади. Рус тилида ҳам оила аъзоларига бир-бирининг фамилиясини айтиб мурожаат этиш киноядан ташқари кишини

камситиш мақсадини ҳам кўзда тутати. Иккала тилда фамилиясини айтиб мурожаат қилиш бир-бирини писанд қилмасликдан ташқари баъзан эркалаш маъносини ҳам англатиши мумкин. Рус тилида фамилиянинг ёлғиз ишлатилиши умум томонодан қабул қилинган ҳолатни ҳам ифода этади.

Ўзбек тилида тенгдошлар танишув жараёнида ёки бирор вазиятдаги мулоқот чоғида бир-бирига «*ўртоқ*», «*оғайни*», «*дўстим*», «*дўгонажон*» каби сўзлар билан мурожаат қиладилар. Рус тилида асосан «*товариш*», «*друг*», «*другишес*», «*приятель*» сўзлари ишлатилади.

Ўзбек тилида ота-онага «*отажон*», «*онажон*», «*опагинам*», «*отагинам*» каби мурожаат қилиш шакллари кўп қўлланади; биринчиси кўпроқ, иккинчиси камроқ. Рус тилида эса суффиксал ҳолат кенг тарқалган. Масалан, «*мамуля*», «*мамочка*», «*дедуля*», «*бабуля*» каби.

Ўзбек тилида нотаниш, бегона кишиларга нисбатан «*йигитча*», «*яхши қиз*», «*хоним*», «*эсим*», «*оғайни*», «*кенноийи*», «*попоқи*», «*овсини*», «*хала*», «*ака*», «*амаки*», «*сингил*» каби шакллар қўлланади.

Хулласе, таълим рус тилида олиб бориладиган муассасаларнинг ўзбек тили дарсларида таълим олувчиларининг мулоқот ҳулқини шакллантириш, шу жараёнда уларга куткий мулоқот одобини ўргатиш юқоридаги каби босқичма-босқич ва синфдан-синфга икчил ўрганиладиган билимларни ўзлаштириш асосида амалга оширилиши даркор.

АДАБИЁТЛАР

1. Раҳматиллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке. Дисс. на соиск. уч. степ. кандидата фил. наук. 1992, Т.: С. 14 – 28.
2. Yo'ldoshev R.A. Ta'lim rus tilida olib boriladigan maktablarda o'zbek tilini o'qitish metodikasi, T.N.Qori Niyoziy nomidagi O'zbekiston pedagogika fanlari ilmiy tadqiqot instituti. 2015, T.: «Fan va texnologiyalar Markazining boshqaruv-nasi», B. 64 – 83.
3. Tolipova R., Tursunova I., Ochilova M. "O'zbek tili" Ta'lim rus tilida olib boriladigan umumta'lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik. 2009, T.: "O'zbekiston", NMIU, B. 34 – 80 b.
4. R.Tolipova, H.Yo'ldosheva, M.Shomirzayeva. «O'zbek tili». Ta'lim boshqa tillarda olib boriladigan maktablarning 6-sinfi uchun darslik. 4-nashri, 2009, T.: «O'qituvchi» NMIU, B. 25 – 45.

РЕЗЮМЕ

В этой статье произведен сравнительный анализ в узбекском и русском язык их речевых штампов при изучении узбекской речевой морали в учебниках нового поколения по узбекскому языку и также на основе этих особенностей в ней рекомендуются эффективные методы их обучения.

Ключевые слова: оживление – активизирование, речевое поведение – манеры при разговоре, восточное речевое общение – ментальное речевое общение.

RESUME

In this article, it is revealed the comparative analysis in Uzbek and Russian have madeohen of communicative ethies in studying communicative morale in the Uzbek books for the new generation and besides on the basis of these specialties. There are contain recommendations that contains effective methods.

Key words: recovery – activation communication behavior style communication, last communicative speech national communication.

“ЎЗМУ хабарлари” журнали муаллифлари диққатига!

“ЎЗМУ хабарлари” журналига мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади.

1. “ЎЗМУ хабарлари” журналига материаллар Тошкент – 700174, Талабалар шаҳарчаси – 174, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, 11-кават, 113-хонада қабул қилинади.

Журналда чоп этиш учун илмий мақолаларни жўнатишда муаллифлар қуйидаги қоидаларга амал қилишлари шарт.

Илмий мақола эълои қилиниши учун талаблар:

- а) илмий мақолага соҳа мутахассиси (фан доктори) нинг тақризи.
 - б) Ўзбек, рус, инглиз тилларида резюменинг мавжудлиги.
 - в) Резюмеда мақола моҳияти батафсил очиб берилиши шарт.
 - г) Мақолада ўзбек, инглиз ва рус тилларида калит сўзлари (камида 10 та) бўлиши лозим.
 - д) Фойдаланилган асосий адабиёт ва манбаларнинг келтирилиши талаб этилади.
 - е) Материалда муаммонинг қўйилиши, мақоланинг назарий методологик ва услубий жиҳатдан пухталиги, манбаларнинг ишончилигига катта эътибор берилиши шарт.
 - ё) Мақолада хулоса, тақлиф, тавсиялар бўлиши мақсадга мувофиқ.
2. Мақола ҳажми 5-7 бет бўлиши тавсия этилади.
 3. Мақоланинг электрон нусхаси CD дискда қабул қилинади.
 4. Мақола **Times New Roman** шрифтида ёзилиши лозим. Шрифт ҳажми – 14, қатор оралиғи – 1.5, ҳошия чапда 3 см, юкори ва пастда 2.5 см, ўнгда 1.5 см бўлиши керак.

ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ

Журнал олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, докторант, аспирант, юкори курс талабалари, илмий ходимлар, илмий текшириш муассасалари ходимлари ҳамда халқ хўжалигининг турли соҳаларида хизмат қилаётган ходимларга мўлжалланган.

Журналда илмий-тадқиқот ишларининг натижалари, ечимини кутаётган масалалар ақс этган мақолалар, бошқа мамлакатлардаги фан ва техникага оид янгиликлар, ЎЗМУ ва бошқа олий ўқув юртларида ўтказиладиган конференциялар ва анжуманлар ҳақида ахборотлар, илмий хабарлар чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 02-0071 гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган.

ЎЗМУ «Редакция-нашриёт» бўлими компютерида саҳифаланди.

Журналнинг баҳоси келишилган нархда. Индекс 752074.

Манзилимиз: Тошкент – 700174, Талабалар шаҳарчаси-174, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, бош бино, 6-кават, 61-хона.

Тел. (ички): 347

Босишга рухсат этилди: 26.10.2016 й. Бичими 60x84 1/8. Нашр табоғи 41,25 б.т.

Буюртма №150. Адади 130 нусха. ЎЗМУ босмахонасида чоп этилди.